

(?, Бухоро - 1727-йил декабр, Хива)
(1715-1727)

Хива хони. Шайбонийлардан. Жонтўраҳоннинг ўгли. Мадрасада тахсил олган. 1715-йил Ёдгорхон вафотидан сўнг, Бухородан келтирилиб Хива тахтига ўтказилган. Шергозихонга қарши Орол бўйида яшовчи қорақолпоқлар Ишимхон бошчилигида исён кўтаришган. Шергозихон улар устига кўшин тортиб катта ўлжалар, кўплаб асирлар билан қайтган. 1715-йил Шергозихон Хуросонга юриш қилиб Машхадни эгаллаган, Нишопурни қамал қилиб эгаллай олмаган (1716). Шергозихон ҳукмронлиги даврида Хива хонлигига қарши Россия босқинчилик ҳамласини бошлади. Россия подшиси Пётр II 1714-йили Бекович-Черкасский ҳарбий экспедитсиясини Хивага юборди. Бекович-Черкасский ҳарбий экспедитсиясининг кириб ташланиши (1717) Хива-Россия мунасабатларини кескинлаштириб юборди. Муносабатни юмшатиш учун 1720-йил Хива элчилари Россияга жўнатилган, лекин элчилар аъзоси қамолка олинган, улардан атиги бир кишигина Хивага қайтишга муваффақ бўлган. Россия ҳукумати Хива хонлиги орқали Ўрта Осиёга кириб қелиш фикридан воз кечмаган, бу пайтда Россияда Бухоро хонлигининг Қулибек бошчилигидаги элчилари бор эди. Россия ҳукумати Ф. Беневенини уларга кўшиб Бухорога жўнатган ва Бухоро хонлигини Хивага қарши гиж-гижлаган. Шергозихон Орол бўйидаги исёнкор қабилалар русларни Хивага бошлаб қелишидан ва ўрнига Бухородан келтирилган (1721) Темур султонни хон қилиб кўтаришларидан хавотирда эди. Темур султон хонликдаги Вазир, Гурлан, Шохобод, Бағлон, Уйгур, Янги Урганч, Хонка ва Хазораспни олган бўлса-да, бутун хонликни эгаллай олмаган. Хонликдаги ички қурашлар Шергозихон вафотига қадар давом этган. Шергозихон Хивадаги мадраса (Шергозихон мадрасаси) қурилиш чоғида машхадлик гуломлар томонидан ўлдирилган. Муниснинг ёзишича, Шергозихон одил, маърифатпарвар ҳукмдор бўлиб, кўп вақтни илм аҳли билан суҳбатда ўтказган. унинг даврида илм-фан ва шеърят ривожланган.